

КИШЛОК ХАКИКАТИ

1990 йил 24 март
ШАНБА
№ 69 (1.863)

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг газетаси

1974 йил 1 январдан буён нашр этилади

Душанбадан ташқари ҳар куни чиқади

Баҳоси 3 тийин

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг пленуми тўғрисида ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

1990 йил 23 март куні Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети XIX пленуми бўлиб ўтди. «КПСС Марказий Комитетининг 1990 йил февраль ва март Пленумлари яқунлари ҳамда КПСС XXVIII съездига ва Ўзбекистон Компартияси XXII съездига тайёргарлик кўриш юзасидан республика партия ташкилотларининг вазифалари тўғрисида» Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. А. Каримов доклад қилди.

Пленум Ўзбекистон Компартияси XXII съездини чақириш мuddати, унинг кун тартиби ва унга делегатлар сайлаш тартиби тўғрисидаги ҳамда ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг биринчи сессиясига Ўзбекистон ССР Конституцияси (Асосий Қонуни)га ўзгартишлар тўғрисидаги таклифларни киритиш ҳақидаги масалаларни кўриб чиқди.

Доклад ва кун тартибдаги бошқа масалалар юзасидан музокарада Ўзбекистон ССР Олий

Совети Президиумининг Раиси М. И. Иброҳимов, Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари С. М. Мамарасулов, «Ўзсельстройиндустрия» трести Термиз бинокорлик конструкциялари комбинатининг кранчиси Е. М. Мордвинова, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Д. Д. Берков, В. И. Ленин номидаги Олмалик кон-металлургия комбинати мис эритиш заводининг электр монтери С. Ҳ. Ҳайитматов, Қорақалпоғистон область партия комитетининг биринчи секретари С. Д. Ниетуллаев, ТошДУ кафедраси профессори Л. П. Қаюмов, Бухоро область партия комитетининг биринчи секретари Д. С. Едгоров, пенсионер Ҳ. Еқубжонова, «Кишлоқ ҳақиқати» — «Сельская правда» газетасининг муҳаррири А. Ғ. Мухторов, Ўзбекистон ССР Халқ назорати комитетининг раиси Б. Ғ. Сатин, Самарқанд область партия комитетининг биринчи секретари П. М. Абдурахмонов ўртоқлар сўзга чиқдилар.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг биринчи сессияси масалалари ҳақида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари А. С. Ефимов ахборот берди.

Муҳокама қилинган ҳамма масалалар юзасидан пленум тегишли қарорлар қабул қилди.

Пленумда Самарқанд область партия комитетининг собиқ биринчи секретари ўртоқ Н. Р. Ражабовнинг аризаси кўриб чиқилди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Бюроси ўзининг 1988 йил 19 октябрдаги ва 6 декабрдаги қарорларини асоссиз деб бекор қилганлигини эътиборга олиб, пленум Марказий Комитет 1988 йил 7 декабрь қарорини бекор қилди ва уни КПСС сафига, шунингдек, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг составига тиклади.

Шу билан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми ўз ишини тугаллади.

КПСС Марказий Комитети 1990 йил февраль ва март Пленумларининг яқунлари ҳамда КПСС XXVIII съездига ва Ўзбекистон Компартияси XXII съездига тайёргарлик кўриш юзасидан республика партия ташкилотларининг вазифалари тўғрисида И. А. КАРИМОВ доклади

Ўртоқлар! Партиямиз ва мамлакатимиз турмушида бениҳоя муҳим ўзгаришлар рўй бермоқда. КПСС Марказий Комитетининг шу йил февраль ва март ойларида бўлиб ўтган Пленумларида сиёсий система ислохотини янада ривожлантириш, партиянинг ўзини янгиланишнинг долзарб муаммолари кўриб чиқилди. Мамлакатда давлат ҳокимиятининг Президент бошқаруви каби дунёда ҳамма эътироф қилган шакли барпо этилган бўлди. Партиямизнинг раҳбари М. С. Горбачев СССРнинг биринчи Президенти этиб сайланди.

КПСС Марказий Комитети Пленумларининг қарорлари, уларда принципиал сиёсий масалалар юзасидан бўлиб ўтган кенг қўлмали мунозара партиянинг жамиятини, ўз турмуши ва фаолиятини ленинча халқчил қилдилар асосда тубдан янгилашга, кейинги вақтларда партия бўғинларининг қайта

қуриш жараёндаридан орқада қола бошлаганини бартаф қилишга интилаётганидан далолат беради. Шу Пленумлар партиядаги аҳволни таҳлил этишга қўлтайт билан ёндашилганлиги ағаллаб турган лавозимидан катъин назар ҳар бир коммунистга нисбатан талабчанлик қилинганлиги билан ажралиб турибди. КПСС Марказий Комитетининг февраль ва март Пленумлари туб сиёсий тадбирларни амалга оширишга асос солди. Бу тадбирлар Пленумларда қабул қилинган КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съездига ҳаракат дастури ва КПССнинг янги уставини лойиҳаларида равшан баён этиб берилди.

Умуман бу ҳужжатлар партиянинг сиёсий назария ва сиёсий практиканинг сифат

жиҳатдан янги поғонасига чиқиш мuddасини билдиради, унинг бундан бунги турмуши ва фаолияти энг муҳим қондаларини белгилайди. Айни вақтда улар сўзсиздан мунозараси учун, КПССни янгилаш йўллари тўғрисида коммунистлар билан бемалол ва рўй-роҳ гаплашиш учун яхши асос бўлиб хизмат қилади.

Партиянинг инсонпарвар, демократик социализм сари деган программасини иборасида ўз ифодасини топган коммунистик принципларни ижодий қайта идрок этиш Ҳаракат дастурининг энг муҳим жиҳатидир. Яъни бизнинг олий мақсадимиз «умуман» социализм эмас, балки аввало инсонга хизмат қилганидан, унинг ҳуқуқлари ва шахсий қадр-қимматига, унинг хилма-хил манфаат-

ларига хизмат қиладиган социализмдир. Бундай социализм принцип жиҳатдан ҳукмронлик-бюрократик системаси билан, шахсга сиғиш ва турғунлик даврларидан бизни бузилишлар билан айнан бир нарсани қилиб қўрсатилган жўн ва сохта тимсолдан фарқ қилади.

Бизнинг бу масаладаги сиёсий позицияларимиз ҳам гоёт аниқ бўлиши керак. Айниқса, митингбозлик эҳтирослари жазавасида мустақил сиёсий кучлар коммунистик қонунини ўзини инкор қилиш тўғрисидаги тезисни зўр бериб ўртага ташламоқдалар, уни инсон табиятига «мувофиқ келмайдиган» бир нарсани деб, турмушдан ажралиб қолган назарбичларнинг ҳаёлий режалари самараси деб эълон қилмоқдалар.

Биз бу гапларга қўшила олмаймиз. Марксизм-ленизм асосчилари таърифлаб берган коммунистик қадриятлар жамият ижтимоий-тарихий тараққиётининг қонуний натижаси бўлиб, унинг халқ таърибасида ва соғлом ақл-идроқда, энг яхши шиддатли курашда марксизм-ленизмнинг ағдариб ташлашни ўз байроғи қилиб олганлиги учун ҳам шу гапни таъкидлаб ўтмоқ керак.

КПСС Марказий Комитети Ҳаракат дастурининг партия иқтисодий ва ижтимоий сиёсати мазмунини ҳамда йўналишини белгилаб берилган бўлимлари чуқур ва батафсил идрок этиб олиниши лозим. Буйруқбозлик системасининг, мулкчиликка илтифат қилишнинг иқтисодий ҳалокатли таъсир ўтказганлигига Ўзбекистондаги коммунистик қурилиш мисолида ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Бу — принципиал жиҳат.

Айниқса, бизнинг кўпгина муҳолифларимиз, масалан, «Демократик ҳаракат дастури» деб аталган дастурий раҳбарларидан бири Ю. Афанасьев ҳокимият учун шиддатли курашда марксизм-ленизмнинг ағдариб ташлашни ўз байроғи қилиб олганлиги учун ҳам шу гапни таъкидлаб ўтмоқ керак.

КПСС Марказий Комитети Ҳаракат дастурининг партия иқтисодий ва ижтимоий сиёсати мазмунини ҳамда йўналишини белгилаб берилган бўлимлари чуқур ва батафсил идрок этиб олиниши лозим. Буйруқбозлик системасининг, мулкчиликка илтифат қилишнинг иқтисодий ҳалокатли таъсир ўтказганлигига Ўзбекистондаги коммунистик қурилиш мисолида ишонч ҳосил қилиш мумкин.

3. Литва ССР территориясида СССР Министрлар Советининг «Ов миллияларини сотиб олиш, рўйхатдан ўтказиш ва сақлашнинг ягона тартибини белгилаш тўғрисида»ги 1975 йил 23 июль

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Президентини М. ГОРБАЧЕВ.

Москва, Кремль, 1990 йил 21 март.

(Давоми иккинчи бетда).

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Президентининг ФАРМОНИ

СССР Президенти, СССР Президенти Кенгаши ва СССР Федерацияси Кенгашининг қароргоҳи тўғрисида

СССР Президенти, СССР Президенти Кенгаши ва СССР Федерацияси Кенгашининг қароргоҳи Москва шаҳрида, Кремлда бўлиши белгиланган.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Президентини М. ГОРБАЧЕВ.

Москва, Кремль, 1990 йил 21 март.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Президентининг ФАРМОНИ

Литва ССР территориясида совет граждандари ҳуқуқларини таъминлаш, ССР Иттифоқи суверенитетини муҳофаза этишга доир қўшимча тадбирлар тўғрисида

Литва ССР Олий Совети ва ҳукумати СССР халқ депутатлари навбатдан ташқари учинчи Съездининг 1990 йил 15 мартдаги қарорига эътибор қилиш билан, совет граждандари ҳуқуқларини ва ССР Иттифоқи суверенитетини бузидиган қонун ҳужжатларини қабул қилишнинг давом эттиришдан тўхтов қилишга, шу муносабат билан қарор қиламан:

1. СССР Министрлар Совети, Литва ССР халқ депутатлари маҳаллий Советларининг ижроия ва фармойиш берувчи органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари Литва ССР территориясида яшайдиган ёки у ерда турган СССР граждандарининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга доир СССР Конституцияси ва СССР қонунилари талабларига риоя этилишини таъминласинлар.

2. СССР Давлат хавфсизлиги комитетининг чегара қўшинлари Литва ССР территорияси бўйлаб ўтадиган СССР Давлат чегараси қисмини муҳофаза этишни қўллайиш, СССР Давлат чегараси тўғрисидаги СССР Иттифоқи қонуниларини бузидиган гайри-қонуний ҳатти-ҳаракатларнинг пайини қирқиб юзасидан зарур чора тадбирлар кўрсин.

3. Литва ССР территориясида СССР Министрлар Советининг «Ов миллияларини сотиб олиш, рўйхатдан ўтказиш ва сақлашнинг ягона тартибини белгилаш тўғрисида»ги 1975 йил 23 июль

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Президентини М. ГОРБАЧЕВ.

Москва, Кремль, 1990 йил 21 март.

(Давоми иккинчи бетда).

Литва ССР Олий Советининг Раиси В. В. Ландсбергисга

Литва ССРдан келатган ахборот республика территориясида чегара қўшинлари ва қисман ички ишлар органлари фаолиятининг ўрнини босишга қаратилган ўлкани ҳимоя қилиш ташкилотини, деб аталган ташкилотга қўнгиллар берилганлигидан далолат беради.

Ана шу ва шунга ўхшаш ташкилотларни тузишга қаратилган барча ҳаракатларни тўхтатиш учун зудлик билан чоралар кўришни тақлиф этаман. Таклифнинг иқроси тўғрисида икки кун мобайнида хабар қилишнингизни сўрайман.

Сизнинг эътиборингизни яна шунга ҳам қаратаманки, Литва ССР Олий Совети кун тартибига киритилган «Давлат қарши даъватлар учун жиноий жавобгарлик тўғрисида»ги қонун лойиҳасининг қабул қилиниши гайриқонуний бўлади, чунки давлатга қарши жиноят учун жавобгарликни белгилаш фақат ССР Иттифоқининг ҳуқуқ доирасига кирди.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Президентини М. ГОРБАЧЕВ.

УН ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ БИРИНЧИ СЕССИЯСИ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Ун иккинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг биринчи сессияси бутун, 24 март соат 12 да Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг мажлислар залида очилади.

Халқ депутатларини рўйхатга олиш эрталаб соат 10 дан бошланади.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ГУРУҲЛАРИ ВАКИЛЛАРИНИНГ КЕНГАШИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Халқ депутатлари гурӯҳлари вакилларининг кенгаши бүгун эрталаб соат 9 да Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг мажлислар залида ўтказилади.

КЎКЛАМ НАФАСИ

ҚАРШИ

Карл Маркс номи совхоз деҳқонлари сьездлар йилида гаалдан юксак кирмон яратиш ниятида самарали меҳнат қилмоқдалар. Қузда 300 гектар ерга бўғдой ва арпа сепилган эди. Айни кунларда майсалар баравж ўсиб, кўзин қувонтирмоқда. Ҳозиргача жами майдон минерал ўғитлар билан озик-ланттирилади. Шу кеча-кундузда Зиёд Сувонов, Шароф Авазов, Суюн Кенжаев бошлиқ бригадаларда ниҳоллар оби ҳаётга қондирилмоқда. Бунда Норқобил Рўзиев, Норбой Шукров, Имомназар Суяров, Рўзи Ҳусанов каби сувчилар алоҳида йўрат кўрсатишяпти. Уларнинг ҳар бири кунлик нормани анча ошириб бажармоқда.

Меҳнат аҳли ҳар гектар ерда 20 центнердан дон йиғиштириб олишга аҳд этган. Бу марра албатта ағалланади. Ғаллакорларнинг гайрат-шижоати шундан далолат бераётди.

Х. НАЗАРОВ.

МЕҲНАТОБОД

Ғанишер Юнусов номи совхоз пахтакорлари кўклагини экин-тинкига пухта таралдул кўрмоқдалар. Озуқакорлар эса бу тадбирни аллақачон бошлаб юборишган. Ҳар кун ҳўжалик бўйича

40—50 гектар ерга беда экиляпти. Беллашувда Самат Уматов бошлиқ бригада аъзолари пешқадам. Улар 40 гектар майдонга уруғ қадаб, топириқни удалашди. М. Маъмуров ва А. Норматов бошлиқ бригадаларда ҳам беда экин жадал бормоқда. Совхозда бу йил жами 400 гектар майдонда шундай экин устирилади.

А. НОРҚУЛОВ.

КАЛИНИН

«Москва» совхозини сабзавоткорлари баҳорининг илиқ-иссиқ кунларидан унумли фойдаланиб, экин-тинкини қизитмоқдалар. Бугунгача 50 гектар майдонга эртаги қарам кўчати экилди. Бу юмуш айниқса Малик Асқаров, Мурод Мустаев бошлиқ бригадаларда намунали ташкил этилган.

— Биз қарамдан ташқари 12 гектар майдонга ош лаваги, 5 гектарга сабзи, 15 гектарга озуқа экинлари эдик, — дейди Малик Асқаров. — Ҳозир ниҳолларни агротехника қондалари асосида парваришляймиз.

Урозбой Хоназаров, Камол Абдурахмонов бошлиқ бригадаларда ҳам баҳорги юмушлар мусобақа асосида олиб боришмоқда. Бу коллективларда ҳозирга қадар 35 гектар ерга беда уруғи сепилди.

Н. ҚОСИМОВ.



Далаларда бошланмоқда иш

Уйчи районидида «Ленинград» колхозининг Тоҳиржон Абдуллоев бошлиқ озуқакорлик бригадаси деҳқонлари Навруз тантаналаридан сўнг тўғри далага йўл олишди.

Азаматлар жорий йилда 116 гектар майдонда беда, 64 гектар ерда макканжўхори парваришляшади. Айни кунларда улар далаларни минерал ва маҳаллий ўғитларга

тўйдиришяпти. Бу ишларда меҳнатини ташкил этишининг истиқболли усули бригадани пудрати қўл келаетир.

М. ҚОДИРОВ.

СУРАТДА: моҳир деҳқон Турғунбой Раҳимов беда майдонига ўғит соляпти.

А. ЮСУФБОВЕВ олган сурат.

